O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
POP TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 30 - noyabr 810-6-84-Q/22 Pop tuman hokimligi

Поп туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 5, 57-бандларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Поп туман "Уч уйли" МФЙнинг 2022 йил 8 ноябрдаги 22-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2.Поп туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб “Поп деҳқон бозори” белгилансин.

3.Поп туманида дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00дан 16:00га қадар ташкил этилади.

4.Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринлари бепул асосида берилсин.

5.Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

6.Поп туман давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими,

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ва бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

7.Ушбу қарор “Поп тонги” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8.Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

9.Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Косимов.) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Султанов А.М.**